

TASHKENT BOTANICAL GARDEN NORTH AMERICAN DENDROFLORA OF PLANTS

Khamraeva Dilovar Ahadovna.

Tashkent Botanical Garden under the Institute of Botany of the Russian Academy of Sciences

e-mail: khamrayeva2016@mail.ru

The North American exposition of plants of the North American dendroflora, which is of great interest to visitors of the Tashkent Botanical Garden, was organized in the autumn of 1950 and covers an area of 9 hectares. This dendroflora is located in the north-eastern part of the Botanical Garden. The organizer of the plant garden is academician F.N. It was propagated by Rusanov by importing seeds and vegetative parts of plants from the northern regions of America. The dendroflora includes species of trees and shrubs from North America, Canada and partly Mexico

ТОШКЕНТ БОТАНИКА БОҒИ ШИМОЛИЙ АМЕРИКА ЎСИМЛИКЛАРИ ДЕНДРОФЛОРАСИ

Ҳамраева Дилюар Аҳадовна.

ЎзРФА Ботаника институти ҳузуридаги Тошкент Ботаника боғи

e-mail: khamrayeva2016@mail.ru

Тошкент Ботаника боғининг ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотувчи Шимолий Америка дендрофлорасига тегишли ўсимликлардан иборат Шимолий Америка экспозицияси 1950 - йил куз фаслида ташкил қилинган бўлиб, майдони 9 га ташкил этади. Ушбу дендрофлора Ботаника боғининг шимолий- шарқий қисмида жойлашган. Ўсимликлар боғ ташкилотчиси академик Ф.Н. Русанов томонидан Американинг шимолий ҳудудларидан уруғ ва ўсимликларнинг вегетатив қисмларини олиб келиш йўли билан кўпайтирилган. Дендрофлора таркибида дараҳт ва буталарнинг шимолий Америка, Канада ва қисман Мексика турлари киритилган.

Экспозицияга 1950-йилнинг 9-ноябрь санасида биринчи дараҳт Oleaceae Hoffmanns. & Link [1] оиласи, *Fraxinus* L. [2] туркумига мансуб *Fraxinus velutina* v. f. *glabra* формаси экилган. 1950-51 йилларда дараҳт ва буталарнинг 80 тури ушбу экспозициядан жой олган. 1962 йилнинг баҳор фаслига келиб турлар сони 369 тага етказилган бўлиб, булардан: игнабарглилар 14 тур, япроқ барглилар 355 тур бўлиб шулардан, 193 тур дараҳт, 131 тур барг тўкувчи, 1 тури доим яшил буталар ҳамда 30 турдаги чирмасиб ўсимликларни ташкил этган [1].

Шимолий Америка экспозицияси биринчилардан бўлиб академик Ф.Н. Русанов кейинчалик эса фан номзодлари Л.Г. Исмагилова ва Н.И. Штонда каби етуқ олимлар раҳбарлик қилишган. Айни вақтда экспозицияга ушбу дендрофлора дараҳт ва буталарнинг интродукцияси ва биологияси бўйича тадқиқот ишларини олиб борётган илмий ходим Д.А. Ҳамраева раҳбарлик қилиб келмоқда.

Экспозицияда ўсимликлар маълум систематик қоидалар асосида жойлаштирилган. Орқа қаторда баланд бўйли дараҳтлар ва буталар, олд қаторда кичик буталар ва ўт ўсимликлар жойлаштирилган. Экспозициядан икки километрли экскурсия маршрут йўналиши ўтган. Бу маршрут йўналиши бўйлаб дендрофлорага оид ўсимликлар билан танишиш мумкин. Дастрслаб игнабарглилардан *Chamaecyparis lawsoniana* Andr, *Juniperus virginiana* L, *Thuja occidentalis* L, *Thuja plicata* Don, *Pinus ponderosa* Doug каби кўкаламзорлаштиришда кенг кўлланиладиган ассортиментларни учратиш мумкин. Экспозицияга тегишли сув ҳавзасида *Nymphaeaceae* оиласига мансуб *Nymphaea odorata* f. *rosea* яъни ўзига хос гулларга эга бўлган нилуфар гулини, сув ҳавзаси қирғоқларида эса улуғвор ботқоқ сарвисини кўриш мумкин. Ботқоқ сарвиси (*Taxodium distichum*

Rich) Taxodiaceae оиласига мансуб дараҳт бўлиб, бўйи 40 метргача, диаметри эса 2 метргача етади. Секин ўсувчи лекин минг ёшгача етувчи дараҳтдир. Ватани Шимолий Американинг жануби-шарқий қисмида, Мессисипи дарёси қирғоқларида ва ботқоқликларида кенг тарқалган. Ёғочи юмшоқ, сувда чиримайди. Илдизлари бақувват, ҳаво олувчи илдизлари эса ботқоқликларда мувозанатни саклашга ёрдам беради.

Экскурсия маршрути давомида мебель саноатида ёғочлари қимматбаҳо саналган ёнғоқ турларини учратиш мумкин. Ёнғоқдошлар (*Juglandaceae*) оиласига кирувчи қора ёнғоқ (*Juglans nigra* L.) доривор дараҳтлардан ҳисобланади. Ботаника боғи шароитида яхши ўсиб ривожланади ва ҳосил беради. Ёнғоқлардан сўнг хўжалик аҳамиятга эга бўлган Гиккори яъни кариялар (*Carya*) жойлашган. Ёғочи ўта мустаҳкам, меваси таркибида 65% гача истеъмолга яроқли ёғ мавжуд. Карияларнинг илдиз тизими ўқ илдиз бўлиб жуда ҳам чуқур жойлашади. Ташқи экологик омиллар таъсири (совуққа, иссиққа) га чидамли, шу сабабли улардан ҳимоя ихотазорлари ҳамда ўрмонзорлар яратишда кенг фойдаланиш мумкин. Ёнғоқдошлар (*Juglandaceae*) оиласи Кария туркуми вакили *Carya pecan* Engl 1541-йилларда ёқ европаликларга маълум бўлган. У ҳақидаги маълумотларни олтин изловчи саёҳатчи Фернандо де Кото ўз кундалигида ёзиб қолдирган. Лекин XIX асрнинг ўрталарига келибгина уни кўпайтириш усууллари бўйича илк тажрибалар олиб борилган. Ҳозирги кунда пеканнинг юздан ортиқ навлари мавжуд бўлиб, улар худди ўз ватанидек Европа мамлакатлари ва Ўзбекистонда ҳам яхши ўсиб ривожланмоқда.

Экспозиция худудида эман, қайн, қатранғи, чинор, маклюра каби хушманзара дараҳтларни ҳам учратиш мумкин. Шундай манзарали дараҳтлардан бири *Magnoliaceae* оиласи вакили *Liriodendron tulipifera* L –лола дараҳтидир. Бўйи 50, диаметри эса 2 метргача етадиган бу дараҳт тури ўзига ҳос барглари ва лолани эслатувчи гуллари билан киши эътиборини тортади. Лола дараҳтининг ёғочи енгил ва мустаҳкам бўлиб, унга ишлов бериш ва силлиқлаш осон. Ундан мусиқа асబоблари ва фанера ишлаб чиқаришда, дурадгорлик ва идишибоп ёғоч сифатида ҳам кенг миқёсда фойдаланилади. Шуни ҳам таъкидаш лозимки, ушбу дараҳт кўплаб шифобахш хусусиятларга эга. Пўстлоғининг дамламаси безгакни даволашда самарали восита сифатида кўлланиб келинади. Унинг барги, пўстлоғи, ёш новдалари ва гулларида изохинолинлар оиласига мансуб бўлган алкалоидларнинг 26 та тури аниқланган. Ажратиб олинган алкалоидларнинг аксарияти юрак-қон томир тизими ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиб, қон босимини пасайтиради, спазмолитик, йўталга (глауцин) ва микробларга қарши курашишда фаол кўлланади. Унинг яна кўплаб шифобахш хусусиятлари мавжуд [2].

Ҳозирги вақтда Лола дараҳти шаҳримизнинг Мустақиллик майдони, “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи, “Туркистан” саройининг олд майдонлари, Хадра майдони, Анҳор бўйларида, Ўзбекистон, Фурқат, Абай, Нукус, Абдулла Қодирий, Алишер Навоий кўчаларида кўкка бўй чўзиб ўз таровати билан ҳамشاҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг баҳри дилини очмоқда.

Экспозициядан жой олган турлардан яна бири *Annonaceae* оиласига мансуб *Asimina triloba* Dun уч баргли азиминадир. Азимина табиатда Онтарионинг жанубий қисмидан Флоридагача кенг тарқалган. Ёввойи ҳолда дарё ва кўл қирғоқларида, нам тупроқларда кўп учрайди. Кеч кузда баргларини тўкувчи бу дараҳтнинг бўйи 10-15метргача етади. Гуллари тўқ қизил рангда бўлиб, қўнғироқсимон шаклга эга. Меваси узунлиги 5-16 см, энига 3-7 см гача, оғирлиги 20 дан 500 граммгача етади. Меваси фруктоза, сахарозага ва микроэлементларга бой. Пишиб етилган меваси банан ва манго мазасини беради. Апрель май ойларида гуллайди, гуллаш давомийлиги уч ҳафта. Мевалари сентябр – октябрь ойларида ҳосил бўлади, тўрт ҳафта давомида пишиб етилади. Тошкент ботаника боғига 1953-йилда Батуми шаҳридан Ф.Н.Русанов томонидан ўсимликнинг уруғлари олиб келинган. 1957-йилда Шимолий Америка экспозициясига уруғидан етиштирилган қўчатлари экилган. 1961 йилда биринчи марта гуллаган. Дараҳтлар 1963 йилдан бошлаб мева бера бошлаган.

Йўналиш давомида манзарали буталардан гулловчи каликант *Calycanthus floridus* L. ни кўриш мумкин. Табиатда шимолий Каролинадан Флорида, Алабама ва Миссисипи гача кенг тарқалган. Бўйи 3-4 метргача етувчи, кеч кузда барг тўкувчи, хушбўй хидга эга бута. Тўқ қизил рангда гуллари ҳар қандай киши эътиборини тортади. Айнан шу бута устида биология фанлари номзоди Л.Н.

Исмагилова илмий тадқиқотлар олиб борган. Каликант турларининг ювениль даври биологияси (1982й), Каликант турларининг мавсумий ривожланиш фазаларини (1986й) тадқиқотлари давомида ўрганган.

Шимолий Америка экспозицияси дўлана (*Crataegus*) туркуми турларига жуда бой. Йўлнинг икки четида жойлашган Америка дўланаларидан иборат коллекция йигирмадан ортиқ турларни (*Crataegus Canbyi* Sarg., *C. coccinoides* Ashe., *C. crus-galli* L., *C. macracantha* Lodd., *C. flava* Ait., *C. irrasa* Sarg.) ўз ичига олади. Дўланалар ўзининг тўқ яшил барглари, гуллари ва қиш фаслида ҳам сақланиб турувчи ёрқин рангли мевалари билан барча фаслларда гўзал манзара касб этади. Дўлана нафақат манзарали балки, доривор ўсимлик сифатида ҳам экиб этиштирилади [4].

Экспозицияда Ръяногулдошлар *Rosaceae* оиласи вакилларидан сўнг маршрут давомида дуккадошлар *Fabaceae* оиласи вакилларини учратиш мумкин. Шулардан, Бундук (*Gymnocladus dioicus* (L.) K. Koch) икки уйли ўсимлик. Табиатда Американинг Канада, Техас, Луизиана ва Онторио штатларида кенг тарқалган. Бўйи 30 м гача етувчи бу дарахт кофе дарахти деб ҳам аталади. Унинг қовурилган уруғларидан суррогат кофе тайёрланади. Ҳинд табобатида доривор ўсимлик сифатида қадрланади. Оиланинг яна бир вакили бўлган бута *Amorpha fruticosa* L. хушманзара, қурғоқчиликка чидамли, ҳатто шўрхок ерларда ҳам яхши ўсиб ривожлана олади. Яна бир муҳим хусусияти хушбуй ва чиройли гуллари билан асалариларни ўзига жалб қиласди. Аморфани асаларичилик билан шуғулланувчи хўжаликларга кенг миқиёсда фойдаланиш учун тавсия этиш мумкин.

Рутадошлар *Anacardiaceae* оиласига мансуб Сумах (*Rhus*) экспозицияда етарлича майдонни эгаллаган. Сумахнинг мавжуд турлари Ботаника боғи тупроқ иқлим шароитига жуда ҳам яхши мослашган.

Бу ўсимлик қурғоқчиликка ва иссиққа чидамли.

Экспозиция ташкил этилгандан буён ушбу туркум турлари устида бир қанча илмий ишлар олиб борилган жумладан, биология фанлари доктори И.В.Белолипов Ботаника боғида Сумах (*Rhus*) (тотим) ўсимлигининг биологияси” (1963-65й), устида тадқиқотлар олиб бориб, номзодлик дисертациясини ёқлаган.

Шу билан бирга экспозициядаги истиқболли турлар бўйича қўйидаги олимлар ўз тадқиқот ишларини олиб борганлар. Биология фанлари номзодлари Н.Ф. Русанов “Катальпа турларининг гуллаш ва уруғ ҳосил қилиш биологияси” (1969 й), А.А. Мавжудов “Ботаника боғида Каркас турларининг интродукцияси” (1969 й), Н.И. Штонда “Ботаника боғига интродукция қилинган Аралиядошларнинг қишига чидамлилиги” (1971й), “Тошкент Ботаника боғи шароитида шимолий америка дендрофлорасига тегишли айрим турлар интродукцияси маълумотлари” (1974й), “Аралиядошларнинг вегетатив қўпайиши (1975й)”, “Птелия (кожанка) турлари интродукцияси”(1986й), “Шимолий Америка ўсимликларининг интродукция натижалари” (1993й), Л.М. Шумаева “Липа (жўка) ларнинг гуллаш биологияси” (1971й), Р. Норматова “Кирказоннинг ўсиш ва ривожланиш динамикаси” (1971й), С.П.Валиходжаева “Тошкент шаҳри шароитида интродукция қилинган қайроғоч турларининг гуллаш ва уруғ ҳосил қилиш асослари” (1978й), Г.В. Максимова “Ботаника боғида клекачка” (1993й), Р.М. Мурзова “Амбро дарахти интродукцияси” (1986й), “Ф.Х.Хамадиева “Ботаника боғида багряник турлари вакиллари” (1987й), Н.Т.Арипова, Н.И. Штонда “Ботаника боғида снежноядодниклар” (1988й), фан докторлари Т.И. Славкина, Л.Х.Ёзиев “Ботқоқ сарвисининг ҳаво илдизлари ҳақида” (1988й) илмий мақолалар, монографиялар тайёрланган ва илмий изланишлар олиб борилган [3].

Экспозициядаги турларни (Лола дарахти, уч баргли азимина, сарық клядрастис) қўпайтириш ва қўкаламзорлаштиришга тавсия этиш бўйича биология фанлари доктори В.П. Печеницын раҳбарлигида (Халмурзаева А.И., Х.Ж.Ахмедова 2014-2015й) амалий илмий лойиҳалар олиб борилган. Бундан ташқари Республикамиздаги олий таълим муассасалари бакалавр ва магистратура талabalари, мустақил изланивчи ва стажёр тадқиқотчilar дендрофлорадаги турларни биологияси, экологияси, интродукцияси ва қўпайтириш усуслари бўйича илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Бу илмий изланишлар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Экспозиция раҳбари Д.А. Ҳамраева томонидан экспозицияга янги ассортиментдаги манзарали буталарни интродукция қилиш ва қўпайтиришнинг жадал усулларини ишлаб чиқиши бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Чунки, қўкаламзорлаштиришда қўлланиладиган манзарали дараҳтлар ва буталар турларини кенгайтириш, ўлкамиз шароитларига мослаша оладиган нав ва шаклларини излаб топиш, илмий даражада асосланган технология бўйича парваришлишни тадбиқ этиш – бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида Тошкент Ботаника боғи генофонди бойитилади. Интродукция қилинган турлар тўлиқ ўрганилиб ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштиришга, ўрмон хўжаликларига тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Путеводитель по Ботаническому саду” Русанов Ф.Н. Издательство “Фан”, 1975г. 7-14стр.
2. “Лола дараҳти юртимизнинг кўркига кўрк қўшмоқда”. Аллабердиев Р Халқ сўзи газетаси 31-май 2016 й.
3. “Интродукция и акклиматизация растений”. 1-28 том Издательство “Фан” 1975г.
4. “Озиленительный ассортимент и уход за городскими насаждениями Узбекистана” Абдурахманов А.А, Славкина Т.И. Издательство “Фан” 1980г.
9-10 стр.
5. site:tftwiki.ru
6. <https://ru.wikipedia.org>